
ОЛТИАРИҚДАГИ ЛОЛАХОН МУРОДОВА НОМИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ШИЙПОНИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАЁТ ЙЎЛИ АКС ЭТГАН КЎРГАЗМАЛИ ЗАЛ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан Олтиариқ туманидаги ўрганишлари давомида Лолахон Муродова номидаги фермер хўжалиги шийпонида бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг фидойи фарзанди Лолахон опа Муродованинг ёрқин хотираси эсга олинди, марҳуманинг руҳига фотиҳа ўқилди.

Вилоят раҳбари шийпон ҳудудида Лолахон опа Муродова ҳаёт йўли акс этган кўргазмали зал ташкил этиш бўйича масъулларга топшириқ берди.

Уч бўлимдан иборат ушбу бинодан қишлоқ хўжалиги илмининг етук намояндаси, таниқли жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Лолахон опа Муродова ҳаётига ва фаолиятига оид экспонатлар, расмлар, панорамалар ўрин олиши белгилаб берилди. Шунингдек, бу ерда Ёш фермер қизлар мактаби ҳам фаолият олиб боради.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-14 22:17:20